



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

2019 йил “06” 05

№ 533/м

Тошкент ш.

“Технологик” амалиётини
ташkil қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида”ги Низомга ҳамда институтнинг 2018/2019 ўқув йили ўқув жараёни графигига асосан

Б У Ю Р А М А Н:

1. «Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти» факультети 5430200 «Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш» таълим йўналиши 2-босқич 201, 202, 202а, 203 гуруҳ талабалари «Технологик» амалиётини “Ўзбекэнерго”, “Марказий магистрал электр тармоқлари”, “Электрқишлоққурилиш”, «Қишлоқэнерголойиҳа», «ВМКВ – Agromash» АЖ, ARTEL компанияси корхоналарида 2019 йил 24 июндан 2019 йил 27 июлгача (5 hafta) бўлган муддатда ташkil этилсин.

2. Талбалар «Технологик» амалиётини ўташ учун 1-3 иловаларга мувофиқ гуруҳларга бўлинсин ва ҳар бир гуруҳга амалиёт раҳбари тайинлансин.

3. Амалиёт раҳбарларига:

- талбаларни амалиёт ўташ жойларига жойлаштириш;
- ўқув амалиёти даврида талабаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги коидаларига риоя этишни ва иш интизомини таъминлаш;
- амалиёт дастурига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш;
- амалиёт режасига биноан топшириқларни бажариш ва амалиёт ҳисоботларини ўз вақтида топширилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Ўқув амалиётига умумий раҳбарлик қилиш “ЭТ ва ЭЖФ” кафедраси мудири А.Бердишев зиммасига юклатилсин.

5. Ўқув амалиёти даврига асбоб-ускуналарни ишчи ҳолатга келтириш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш “ЭТ ва ЭЖФ” кафедраси лаборатория мудири Р.Абдуллаева зиммасига юклатилсин.

6. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси мудири Т.Хайдаровга:

- талабаларни амалиётга жўнатиш олдидан техника хавфсизлиги коидалари билан таништириш, риоя қилиш бўйича тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш, йўриқномалар бериш ва махсус журналга кайд этиш вазифалари юклатилсин.

7. Ўқув амалиётни ўтаган талабаларнинг ҳисоботларини 2019 йил 05 августгача кафедрага топширилсин ва ҳисоботлар топширилишига шахсан амалиёт раҳбарлари масъуллиги белгилаб қўйилсин.

8. Ўқув амалиёти натижалари бўйича ҳисоботларни 2019 йил 20 августгача Ўқув-услубий бошқармасига топширилсин.

9. Мазкур буйруқни ижросини таъминлаш “ҚСХЭТ” факультети декани А.Исаков зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур буйруқни бажарилиш назорати Ўқув ишлари бўйича проректор Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

РЕКТОР



У.УМУРЗАКОВ